

ХАБАРЛАР

АҚШ президенти: Агар Эрон музокарага ўтирмаса, кўприкларни ишдан чиқарамиз

дақиқа аввал



Эроннинг давлатга қарашли IRIB ахборот агентлиги, Иорданиядаги АҚШ позицияларига қарата Эрон дронлари учурилаётгани айтилган видеоларни эълон қилди.

Reuters бу видеоларнинг қаерда ва қачон тасвирга олинганини мустақил равишда тасдиқлай олмади.

АҚШ президенти Дональд Трамп 14 июл куни Эроннинг барча портларига қарши денгиз блокадасини қайта жорий қилган ва Техрон музокараларни қайта бошламаса, келаси ҳафта электр станциялари ҳамда кўприкларга зарба берилишидан огоҳлантирганди.

- Энергетика объектларини охирига қолдираман, аммо барибир энергетика объектларига ҳам зарба берамиз. Аммо биз бугун кечаси уларга жуда қаттиқ зарба берамиз, эртага кечаси ҳам қаттиқ зарба берамиз, - деди АҚШ президенти.

Техронга кўра, ўтган ҳафта Эрон ва АҚШ ўртасидаги жанговар ҳаракатлар қайта бошланганидан сўнг бўғоз яна ёпилган.